

НИЗОМИ

УМУМИЙ КОИДАЛАР

1. Автомобил йўллари илмий-тадқиқот институти (бундан сунг матнда “Институт”) “Узавтойул” давлат-акциядорлик компаниясининг 2004 йил 30 декабрдаги 304-сон буйругига асосан ташкил килинган.
2. Институт Устави 2005 йил 17 январда Миробод тумани Тадбиркорлик субъектларини руйхатга олиш инспекцияси томонидан 00725-03-сон остида руйхатга олинган, 2009 йил 16 январда 00725-03-сон ва 2011 йил 14 февралда 00725-03-сон билан кайта руйхатдан утказилган.
3. Узбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 ноябрдаги “Узавтойул” давлат-акциядорлик компанияси ташкилий тузилмасини такомиллаштириш чора- тадбирлари тугрисида”ги ПК,-511-сонли карорига мувофик Институт “Узавтойул” ДАКнинг ташкилий тузилмасига киритилган.  
Узбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги “Узбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат кумитаси ва Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Республика йул жамгармаси фаолиятларини ташкил этиш тугрисида”ги ПК-2776-сонли карорига мувофик Институт Узбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат кумитаси ташкилий тузилмаси таркибига киритилган.
4. “Узавтойул” ДАКнинг 2010 йил 16 сентябрдаги 111-сонли буйругига асосан, “Автомобил йўллари илмий-тадқиқот институти” номидан “давлат корхонаси” суzlари олиб ташланган ва кайта номланган.  
Автомобил йўллари илмий-тадқиқот институти “Автомобил йўллари илмий-тадқиқот институти” давлат корхонасининг хукукий вориси хисобланади.  
Узбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат кумитасининг (бундан сунг матнда “Муассис”) 2017 йил 29 марта 08-сонли буйругига асосан “Автомобил йўллари илмий-тадқиқот институти” номи “Автомобил йўллари илмий-тадқиқот институти” унитар корхонаси номига узгартирилган.  
**“Автомобил йўллари илмий-тадқиқот институти” унитар корхонаси “Автомобил йўллари илмий-тадқиқот институти”XXХр хукукий вориси хисобланади.**  
5. Институтнинг тулиқ расмий номи:  
узбек тилида - “Автомобил йўллари илмий-тадқиқот институти” унитар корхонаси.  
рус тилида - Унитарное предприятие “Автодорожный научно-исследовательский институт”.
6. Институт давлат руйхатидан утгандан сунг юридик шахе макомини олади, унинг фаолият муддати чекланмаган.
7. Институт Муассиснинг унитар корхонаси хисобланади.
8. Институт уз фаолиятини Узбекистон Республикаси конунлари, Узбекистон Республикаси Президента фармонлари, карорлари ва фармойишлари, Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг карорлари ва фармойишлари, Муассиснинг буйрук ва фармойишлари, шунингдек мазкур Устав асосида амалга оширади.
9. Институт Уставига узгартишлар Муассиснинг карорига асосан киритилади ва белгиланган тартибда давлат руйхатидан утказилади.
10. Институт узининг ал охи да мулки, мустакил баланси, банк хисоб-ракамлари, шу жумладан валюта хисоб-ракамлари, узининг шахсий белгиси, тамгаси ва бланкалари, давлат тилидаги Узбекистон Республикаси давлат герби тасвири туширилган муҳрига эга.
11. Институт конунчиликда урнатилган тартибда уз номидан мулкий ва шахсий номулкий хукукларни кабул килиши ва амалга ошириши, мажбуриятларга эга булиши, судда дайвогар ва жавобгар макомига эга булиши мумкин.
12. Институтнинг юридик манзили: 100167, Узбекистон Республикаси, Тошкент шахар, Миробод тумани, Локомотив кучаси, 10 уй.

**1. ИНСТИТУТНИНГ МАКСАДИ ВА АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ**

13. Институт фаолиятининг максади Узбекистон Республикаси иктисадиёти, шунингдек унинг алохida тармок ва худудларининг баркарор ривожланишида иштирок этиш, табиий, минерал ва хом-ашё, молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, атроф-мухитни химоя килиш, материал ва маҳсулот ишлаб чиқарилишини локализациялаш буйича асосий истикболлар ва стратегик вазифаларни амалга оширган холда, республика автомобиль йўллари тармокларини ривожлантириш ва такомиллаштириш оркали илмий-техник ва ишлаб чиқариш хизматларини курсатиш.

14. Институтнинг асосий вазифаларига куйидагилар киради:

- автомобиль йуллари соҳасида ягона техник сиёсатни амалга оширишда иштирок этиш;

• автомобиль йуллари тармогини ривожлантириш ва такомиллаштириш гоя ва дастурларини ишлаб чикиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

- автомобиль йуллари соҳасида

илмий-тадқикот, тажрибавий, лойихавий,

муҳандислик-изланиш, геодезик ва экспертлик ишларини амалга ошириш;

- автомобиль йулларини лойихалаш, куриш, реконструкция килиш, таъмирлаш ва саклаш буйича илмий асосланган техник мөъёрларни ишлаб чикиш;

- маблагларни ишлатиш

йуналишларини асослаш максадида

автомобиль

йулларини куриш, реконструкция килиш, таъмирлаш ва саклаш, шунингдек йул ишлари турлари ва таркибини прогноз килиш;

- автомобиль йуллари йул кадастрини хатловдан утказиш, паспортлаш, тузиш ва юритиш;
- автомобиль йуллари билан боғлик булган барча маълумотлар банкини яратиш, кайта ишлаш ва юритишида иштирок этиш;
- автомобиль йуллари соҳасида стандартлаштириш, сертификатлаш ва метрология ишларини амалга ошириш;
- курилиш материаллари, конструкциялар ва маҳсулотлар буйича тадқикотлар утказиш, уларни ишлаб чикириш ва амалиётга жорий этиш;
- аэродромларни лойихалаш ва курилиши буйича хизматларни курсатиш;
- автомобиль йуллари соҳасида кадрларни тайёрлаш ва кайта тайёрлаш буйича ишларни амалга ошириш;
- автомобиль йуллари соҳасида кадрларни уқитиш, тайёрлаш, кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини ташкиллаштириш, шу жумладан хорижда укув семинарлари ва тажриба орттириш ишларини амалга ошириш;
- илмий-тадқикот ишларини ташкиллаштириш, автомобиль йулларини лойихалаш, куриш, реконструкция килиш, таъмирлаш ва саклаш борасида инновацион технологиялар ва замонавий стандартларни жорий этиш;
- йул соҳасидаги экологик муаммолар ечимини топишда иштирок этиш;
- автомобиль йулларини куриш, таъмирлаш ва саклаш масалалари буйича халкаро хамкорликни кенгайтиришда иштирок этиш.

15. Юқлатилган вазифалардан келиб чиккан холда Институт қўйидаги ишларни амалга оширади:

- автомобиль йуллари тармокларини ривожлантириш буйича гоя ва дастурлар лойихаларини ишлаб чикиш;

• мувоғиқлаштириш, илмий, илмий-техник, ишлаб-чикириш, илмий-маслаҳат ва бошка кенгашларни ташкил этиш;

• автомобиль йуллари тармокларига дойр муаммолар буйича илмий мунозаралар, конференциялар ва симпозиумларни ташкил килиш;

• автомобиль йуллари илмий-тадқикот, тажрибавий, лойихавий, муҳандислик-изланиш, геодезик ва экспертлик ишларини амалга ошириш;

• автомобиль йулларини лойихалаш, куриш, реконструкция килиш, таъмирлаш ва саклаш буйича илмий асосланган техник мөъёрларни ишлаб чикиш;

• автомобиль йулларини куриш, реконструкция килиш, таъмирлаш ва саклаш буйича мөъёр ва стандартларга риоя килинишини назорат килишда иштирок этиш;

- автомобиль йуллари соҳасидаги инвестиция дастурларини амалга оширишда иштирок этиш;

• автомобиль йулларида харакат хавфсизлиги буйича дастурлар, лойихалар, хужжатлар ва таклифларни ишлаб чикиш ва жорий этишда кумаклашиш;

• йул хужалигини юритиш ва бошкаришнинг илмий-техник ва иктисадий асосланган усувларини ишлаб чикиш;

- автомобиль йуллари билан бөлгөн барча маълумотлар банкини яратиш ва юритиш буйича хизматлар курсатиш;
  - автомобиль йуллари соҳасини такомиллаштириш ишларини шакллантириш буйича илмий, иктиносидий ва техник тадқикотларни утказиш ва унинг натижаларини жорий этиши;
  - техник текширувлар (диагностика ва баҳолаш), мухандислик-иктиносидий синовлар, тажрибалар ва автомобиль йулларининг ҳакиқий холатини текшириш натижалари асосида йул ишларининг турлари ва таркибини белгилаш;
  - автомобиль йуллари ва йул иншоатларини саклаш сифатини баҳолашда иштирок этиши;
  - автомобиль йулларини хатловдан утказиш, паспортлаш, йул кадастрини тузиш ва юритиш;
  - автомобиль йуллари ва иншоатларининг жорий ва даврий қуригини амалга ошириш, текширув ва синовларни утказиш, харакат жадаллигини хисобга олиб бориш;
  - йул-транспорт ходисаларини хисобга олиш ва уларнинг юзага келиш сабабларини аниклаш;
  - йул ишлари сифатини назорат килиш буйича ягона техник сиёсатни амалга ошириш;
  - автомобиль йуллари соҳасида стандартлаштириш, сертификатлаш ва метрология ишларини амалга ошириш;
  - автомобиль йуллари ва йул иншоатларини саклаш буйича мураккаб ишлар учун мухандислик ва илмий-техник ишланмаларни яратиш;
  - автомобиль йулларни қуриш, реконструкция килиш, таъмирлаш, саклаш ва лойихалаш буйича илмий-техник ва лаборатория хизматларини курсатиш;
  - қурилиш материаллари ва конструкцияларни такомиллаштириш ва яратиш буйича тадқикотларни олиб бориш ва унинг натижаларини амалиётга тадбик килиш;
  - автомобиль йулларини эстетик ва архитектурали безатиш буйича ишларни амалга ошириш, атроф-мухитни химоя килишга тегишли лойихаларни ишлаб чикиш;
  - автомобиль йулларида фавкулодда вазиятларни олдини олиш буйича техник- мухандислик таклифлари ва лойихаларини тайёрлаш;
  - аэродромларни қуриш, реконструкция килиш, таъмирлаш, саклаш ва лойихалаш буйича илмий-техник, лойихавий ва лаборатория хизматларини курсатиш;
  - автомобиль йуллари соҳасида кадрларни тайёрлаш ва кайта тайёрлаш ишларини амалга ошириш;
  - автомобиль йуллари соҳасида кадрларни уқитиш, тайёрлаш, кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини ташкиллаштириш, шу жумладан хорижда укув семинарлари ва тажриба орттириш ишларини амалга ошириш;
  - илмий-тадқикот ишларини ташкиллаштириш, автомобиль йулларини лойихалаш, қуриш, реконструкция килиш, таъмирлаш ва саклаш борасида инновацион технологиялар ва замонавий стандартларни жорий этиши;
  - автомобиль йулларини қуриш, таъмирлаш ва саклаш масалалари буйича ҳалкаро ҳамкорликни кенгайтиришда иштирок этиши;
  - шартномалар асосида хорижий илмий-тадқикот, лойихавий, маслаҳат ва укув марказлари, олимлар ва мутахассислар билан илмий-амалий алокаларни ривожлантириш ва мустахкамлаш;
  - ҳалкаро ва хорижий ташкилотлар билан белгиланган тартибда илмий-техник тажриба алмашиш;
  - автомобиль йуллари соҳасидаги ҳалкаро меъёрий хужжатлар, таркибий тузилмалар, мухандислик, иктиносидий ва молиявий таъминот асосларини урганиш ва уларни жорий этиши буйича таклифлар киритиш;
  - автомобиль йуллари соҳасида хорижий грантлар ва инвестицияларни жалб этишда иштирок этиши;
  - автомобиль йуллари соҳасидаги укув-услубий хужжатларни тайёрлаш, ахборот- босма, консалтинг, мухандислик, воситачилик ва бошка хизматларни курсатиш;
  - автомобиль йулларини қуриш, реконструкция килиш, таъмирлаш ва жихозлаш буйича тендер хужжатларини тайёрлаш;
  - ташки иктиносидий фаолиятни амалга ошириш;
  - йул соҳасидаги экологик муаммоларни ҳал килишда иштирок этиши;
  - амалдаги конунчилик томонидан таъкиланмаган бошка фаолият турларини амалга ошириш.
16. Лицензия талаб килинувчи иш ва хизматлар тегишли лицензия олингандан сунг амалга оширилади.
2. **ИНСТИТУТНИНГ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**
17. Институт конунчиликка мувоғик холда куйидаги хукукларга эга:

- Узига юқлатилған вазифаларни бажариш билан боглик булған масалалар буйича вазирликлар, күміталар, органлар, ташкилотлар ва муассасалардан зарур ахборот ва маълумотларни урнатылған тартибда олиш;
- Муассисга турлы таклифларни киритиш ва уларнинг мухокамасида иштирок этиш;
- Уз кадрларини хорижий давлатларда малакасини ошириш, тайёрлаш ва кайта тайёрлаш ва хорижий технологиялар билан моддий-техник жиҳозланиши учун уз шахсий ва максадли маблагларидан фойдаланиш;
- Такдим этилған ваколатлар доирасида ички, мөъёрий ва услубий хужжатларни ишлаб чикиш ва жорий этиш;
- Ишлаб-чикариш ва хужалик фаолиятини амалга ошириш;
- Иш хакини шакли, тизими ва миқдорини мустакил белгилаш;
- Шартномалар асосида Муассис ва унинг таркибий булинмалари булған ташкилот ва муассасаларнинг хизматларидан имтиёзли фойдаланиш;
- 

Агар конунчилиқда бошқа холат  
кузда тутилмаган булса,  
уз хисоби                          ва  
маблаглари эвазига ишлаб чикарилған илмий-техник ишлар ва махсулотларни мустакил сотиш, шунингдек  
экспорт килиш;

- Муассис розилиги билан харид килингандай акция, облигация ва бошқа кимматли көгөзларга эгалик килиш;
- Ташки иктисодий фаолиятни амалга ошириш;
- 

Узбекистан Республикаси  
конунчилигига кузда тутилған                          барча хукук                          ва  
имтиёзлардан фойдаланиш.

18. Институт куйидаги мажбуриятларга эга:
- Муассис унинг фаолияти ва вазифаларини амалга оширишда ёрдам курсатиш;
  - Институтнинг Уставига амал килиш;
  - Муассиснинг Институтга тегишли булған буйрук ва фармойишларини <sup>у<sup>3</sup></sup> вактида ва самарали бажариш;
  - Устав жамгармаси сифатида топширилған мул к ва бошқа асосий маблаглардан максадли фойдаланиш ва уларнинг сакланишини таъминлаш;
  - Устивор тартибда муассис ва унинг таркибий булинмалари булған ташкилот ва корхоналарнинг иш ва хизматларини шартномалар асосида бажариш;
  - Белгиланған тартиб ва муддатларда соғ фойда хисобидан Муассис жамгармасига марказлаштирилған тұловларни амалга ошириш.

### 3. МУАССИСНИНГ                          ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

19. Муассис конунчилиқка мувоғик холда куйидаги хукукларга эга:
- Институтнинг максадлари, фаолият мазмуни ва турларини белгилаш;
  - Институтнинг Уставига узгариши ва күшімчалар киритиш;
  - Конунчилиқда белгиланған тартибда Институт директори билан тузилған мөхнат шартномасини муддатидан аввал бекор килиш;
  - Институтни кайта ташкил этилиши ёки тугатилиши тұгрисида карорлар кабул килиш, тугатиши комиссиясини тайинлаш ва тугатиши балансини тасдиклаш;
  - Институтнинг фойдаланылмаётган ва ортиқча булған ёки белгиланмаган максадларда фойдаланылмаётган мүлкіни олиб күйиш ва фойдаланиш;
  - Институт директорига нисбатан Институтта етказилған заарни ундириш буйича даъво талабини тақдим этиш;
  - Институтнинг Уставига мувоғик Институт ихтиёрига топширилған мүлкден фойдаланишдан келип тушған фойданинг бир кисмини олиш.

20. Муассис куйидаги мажбуриятларга эга:
- Институт директорини урнатылған тартиб асосида тайинлаш, Институт директори билан мөхнат конунчилигига мувоғик равищда мөхнат шартномасини тузиш;

### 4. ИНСТИТУТНИНГ УСТАВ ЖАМГАРМАСИ

21. Институт унитар корхона хисобланиб, унинг Устав жамгармаси туликлигича шакллантирилған ва Муассиснинг 2004 йил 30 декабрдаги 308-сонли, 2008 йил 11 июндаги 99-сонли ва 2010 йил 13 يولдаги 87-

сонли буйруклари асосида Устав жамгармаси сифатида берилган 756 960 442,64 (етти юз эллик олти миллион туккиз юз олтмиш минг турт юз кирк икки) сум 64 тийин микдоридаги тулик шаклланган асосий воситалардан иборат.

Институтнинг Устав жамгармаси Муассиснинг карорига мувофик купайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин. Институтнинг Устав жамгармасини купайтирилиши ёки камайтирилиши Институтнинг Уставига тегишли узгартиришлар киритилгандан, уларни Муассис томонидан тасдикланганидан ва белгиланган тартибда руйхатдан утказилганидан сунг кучга киради.

## **22. Институтнинг мулки давлат мулки хисобланади.**

### **23. Институт мулки куйидагилар хисобига шакллантирилади:**

Муассис томонидан Институтга бириклирлган (ихтиёрига утказилган) мулк;

Институт фаолиятидан олинган даромад;

Конунчилик хужжатларига зид булмаган бошка манбалар.

Институт мулкининг киймати унинг мустакил балансида акс эттирилади.

### **24. Институт мулки булинмас хисобланади.**

25. Институтнинг мулкини бошқариш Институт директори томонидан куйидаги холларда Муассис билан келишилган холда амалга оширилади:

- мулкни сотиш, уни ижарага бериш ёки асосий воситаларни гаровга куйиш;
- мулкни хужалик жамиятининг Устав жамгармасига улуш сифатида киритиш;
- хужалик жамиятларининг акциялари (улушлари)ни сотиб олиш;
- институтнинг хужалик жамиятларига акциялари (улушлари)ни сотиш;
- Институтнинг фаолият максадларига мувофик булмаган бошкача тарзда мулкни бошқариш.

## **5. ИНСТИТУТНИНГ ФИЛИАЛ ВА ВАКОЛАТХОНАЛАРИ**

26. Институт Муассис билан келишилган ва конунчилик талабларига риоя килган холда филиалларни ташкил килиши ва ваколатхоналарни очиши мумкин.

Филиал ёки ваколатхона очилгандан бошлаб бир хафта давомида Институт бу хакда Узбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кумаклашиш ва ракобатни ривожлантириш давлат кумитасини (унинг худудий бошкармаси) хабардор килиши лозим.

27. Институтнинг филиал ва ваколатхоналари Институт томонидан тасдикланган Низомлар асосида фаолият юритадилар ва Институт томонидан ажратилган мулкка эга булишади.

28. Филиал ва ваколатхона раҳбари Институт директори томонидан Муассис билан келишилган холда тайинланади ва унга берилган ишончнома асосида иш юритади. Филиал ёки ваколатхона раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси бекор килинган тақдирда, ишончнома Институт директори томонидан бекор килинади.

## **6. ИНСТИТУТ ДАРОМАДИ**

29. Бюджет ва бюджетдан ташкари фонdlарга туланган барча соликлар ва бошка мажбурий туловлардан сунг колган соф фойда Институт ихтиёрида колади. Институтнинг соф фойдаланиш Муассис билан келишилган холда амалга оширилади.

30. Институт Муассис билан келишилган холда, унинг ихтиёрида колган соф фойда хисобига захира ва бошка жамгармаларни ташкил килиши мумкин.

## **7. ИНСТИТУТНИ ЖАВОБГАРЛИГИ**

31. Институт узининг мажбуриятлари буйича унга тегишли мулки билан жавоб беради.

32. Муассис Институтнинг мажбуриятлари буйича жавоб бермайди. Институт Муассиснинг мажбуриятлари буйича жавоб бермайди.

33. Институт узининг филиаллари ва ваколатхоналарининг мажбуриятлари буйича жавобгарликни зиммасига олмайди.

## **8. ИНСТИТУТНИ БОШКАРИШ**

34. Институтни бошқариш Устав асосида Институт директори томонидан амалга оширилади. Институт директори уринбосари, бош мухандис ва бош бухгалтер Институт директори томонидан Муассис билан келишилган холда тайинланади.

35. Институт ходимларининг штат жадвали Институт директори томонидан Муассис билан келишилган холда тасдикланади.

36. Институт директори Муассис томонидан урнатилган тартиб асосида тайинланади ва меҳнат шартномаси асосида иш юритади.

37. Институт директори Институтнинг якка ижро органи хисобланади ва Институт олдига куйилган вазифаларнинг бажарилишини назорат килади, Институт номидан ишончномасиз фаолият юритади, шу

жумладан унинг манфаатларини ифодалайди, белгиланган тартибда битимлар тузади, ходимларни ишга кабул килади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор килади, буйруклар чикаради, белгиланган тартибда ишончномалар тақдим этади. Институт директори Институт зиммасига юклатилган вазифа ва мажбуриятларга мувофик холда унинг фаолиятини ташкиллашиб учун шахсий жавобгарликка эга булади.

38. Институт директори Уставда белгиланган тартибда Муассис олдида Институт фаолияти тугрисида хисобот беради.

39. Институт директори узининг хукук ва вазифаларини амалга ошириш давомида Институтнинг манфаатларида харакат килади ва бюджет ва бюджетдан ташкари фонdlарга туловларни уз вактида утказилиши, иш хакларини уз вактида туланиши, меҳнат хукуклари ва муносабатларидан келиб чикувчи барча талабларни кондирилиши, ишлаб чикариш фаолияти билан боғлик булган эҳтиёжлар учун пул маблагларини утказилмаслиги, уз харакаглари (ёки харакатсизлиги) натижасида Институтга етказилган зарар учун, шу жумладан давлат мулкини йукотилиши учун шахсий жавобгарликка эга булади.

## 9.

### **РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ХЖИСОБОТ ЮРИТИШ**

40. Мазкур Уставда кузда тутилган фаолият доирасида Институт уз хужалик фаолияти буйича оператив, бухгалтерлик хисоби ва хисботини юритади, шунингдек конунчилик талабларига мувофик тарзда статистик ва бошка хисботларни юритиб боради.

41. Хисобот даври якунлангандан сунг Институт ваколатланган органларга молиявий хисобот ва конунчилик томонидан белгиланган руйхатга кура бошка хужжатларни топширади, шунингдек уларнинг давлат сакловига топширилиши учун жавобгарликка эга булади.

42. Хужалик органи сифатидаги Институтнинг фаолиятини назорат килиш Муассис ва бошка ваколатли органлар томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

43. Институт хисобот даври якунлари буйича Муассисга баланс хисботини белгиланган тартибда тақдим этади.

## 10.

### **МОЛИЯ ВА КРЕДИТЛАР**

44. Институт юридик шахслар учун урнатилган тартибдаги бухгалтерлик хисботини юритади ва Узбекистон Республикаси конунчилигига мувофик холда солик ва бошка мажбурий туловларни тулаб боради.

45. Институт конунчиликда белгиланган тартибда банклар ва кредит ташкилотларидан кредитларни олишга хакли.

46. Институт ходимларига туландиган иш хакларининг шакли, тизими ва микдори Институт томонидан Узбекистон Республикаси конунчилигига мувофик холда белгиланади.